IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: RT61942985

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO‘JALIGI VAZIRINING
BUYRUG‘I

2024 yil. **“**5**”** yanvar **1-son**

QR 07.03-23 “Sug‘orish tizimlari” qurilish reglamentini tasdiqlash to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Shaharsozlik kodeksi hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Qurilish sohasiga oid talablarni soddalashtirish hamda texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarni tizimlashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2022-yil 6-oktabrdagi 577-son qaroriga muvofiq

B U Y U R A M A N:

1. QR 07.03-23 “Sug‘orish tizimlari” qurilish reglamenti ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. O‘zbekiston Respublikasi Davlat arxitektura va qurilish qo‘mitasining 1997-yil 11-noyabrdagi 74-son buyrug‘i bilan tasdiqlangan QMQ 3.07.03-97 “Sug‘orish tizimlari. Ishlarni uyushtirish, ishlab chiqarish va qabul qilish” qurilish me’yorlari va qoidalari o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Suv xo‘jaligi vazirligi, Qishloq xo‘jaligi vazirligi, Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi hamda Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasi bilan kelishilgan.

4. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir **B.Zakirov**

Ўзбекистон Республикаси
қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирининг
2024 йил 5 январдаги
1-сон буйруғига
ИЛОВА

ҚР 07.03-23 “Суғориш тизимлари” қурилиш регламенти

1-боб. Умумий қоидалар

Мазкур қурилиш регламенти ҚР 07.03-23 “Суғориш тизимлари” (кейинги ўринларда регламент деб аталади) янги суғориш тизимларини ва иншоотларни қуриш ҳамда мавжудларини тубдан яхшилаш шунингдек, ишларни қабул қилиш бўйича тавсиявий талабларни белгилайди.

2-боб. Атама ва таърифлар

1. Мазкур регламентда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

суғориш тизими – бир-бири билан ўзаро боғлиқ иншоотлар ва қурилмаларнинг ҳудудий комплекси бўлиб, у орқали табиий намлик йўқ шароитларда ернинг илдиз ўсадиган қатламига сув етказиб берилади;

суғориш тармоғи – сувни суғориш манбаидан суғориладиган массивнинг участкаларига етказиб беришга мўлжалланган гидромелиоратив тармоқ;

қурилишни ташкил этиш лойиҳаси – лойиҳанинг таркибий қисми бўлиб, унда қурилишнинг умумий давомийлиги ва оралиқ муддатлари, капитал маблағлар ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларининг тақсимланиши, моддий-техник ресурслар ва уларни қоплаш манбалари, қурилиш-монтаж ишларини бажаришнинг асосий усуллари ва объект қурилишини бошқариш тузилмаси белгиланади;

ишларни бажариш лойиҳаси – қурилиш-монтаж ишлари технологиясини, бажариш муддатлари ва ресурслар билан таъминлаш тартибини белгилаб берувчи лойиҳа бўлиб, бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмларини қуришга доир ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда асосий раҳбарлик ҳужжати сифатида хизмат қилади;

чўкувчан соғ тупроқли грунтлар – нам босим таъсирида ўз тузилишини йўқотадиган структуравий-нотурғун грунт;

ўзан – дарё водийсининг энг паст, сув оқадиган, ҳатто сув қайтиш даврида ҳам оқим бўладиган қисми;

шамол эрозияси, дефляция – тупроқнинг унумдор устки қисмини шамол учириб кетиши ҳамда экинларни шамол кўтариши;

тупроқ эрозияси – тупроқнинг энг унумдор юқори қатламлари ва тупроқости жинсларининг атмосфера ёғинлари ҳамда суғориш сувлари, шамол ва бошқа омиллар таъсирида емирилиш жараёни;

томчилатиб суғориш – қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда ўсимликнинг илдиз қисмига унинг эҳтиёжига мос миқдордаги сувни етказиб берадиган суғориш усули;

ёмғирлатиб суғориш – қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда сувни имкон борича табиий ёмғирлатиш орқали сепиш тарзида сув етказиб берадиган усули;

дискрет суғориш усули – ҳар хил турдаги қувурлар орқали сувни босим билан далага етказиб берувчи ва сувни қисқа масофада танаффуслар билан суғориш тизими ҳисобланади;

кенг қамровли тизими – айланма ёки фронтал ҳаракатланувчи агрегатлар ёрдамида сув етказиб берадиган тизим;

спринклер тизими – стационар калта пурковчи ускуналар ёрдамида сув етказиб берадиган тизим;

мобиль тизими – кўчма тиркамали ва барабанли типдаги агрегат ёрдамида сув етказиб берадиган тизим;

автоматлаштириш – суғориш тармоқларидаги гидротехника иншоотларини масофадан онлайн бошқариш имконини берувчи қурилма.

3-боб. Умумий талаблар

2. Мазкур тавсиялар лойиҳалашда, қуриш, ўрнатиш ва монтаж ишларини бажаришда ва уларни қабул қилишда қўлланилади.

3. Суғориш тизимларини ва иншоотларни қуриш ҳамда мавжудларини тубдан яхшилаш шунингдек, қайта таъмирлашда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига, амалдаги меъёрларга ва қоидаларга қўйилган талаблардан ташқари қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

- қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил этишга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига шунингдек, конструктив қисмларга қўйилган умумий талабларни;

- қурилишда хавфсизлик техникаси бўйича меъёрлар ва қоидаларини;

- портлатиш ишларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари, юк кўтариш кранларидан фойдаланиш бўйича хавфсизлик қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган ягона хавфсизлик қоидаларни;

- қурилишда геодезия ишлари бўйича талабларни;

- амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ қуриб битказилган сув хўжалиги объектларини фойдаланишга қабул қилишнинг асосий қоидалари.

4. Қурилиш-монтаж ишлар сифатини назорати қурилиш ташкилотида ташкил этиладиган ҳамда тўғри ва тўлиқ назоратни таъминлаб берувчи техник воситалар билан жиҳозланган маҳсус хизматлар томонидан амалга оширилиши лозим.

5. Қурилиш-монтаж ишлари сифатининг назорати шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда ушбу регламент талабларига мувофиқ бажарилиши, шунингдек қуйидагиларни ўз ичига олиши тавсия этилади:

- ишчи ҳужжатлар, конструкциялар, маҳсулотлар, материаллар ва ускуналарнинг кириш назорати;

- алоҳида қурилиш ёки ишлаб чиқариш жараёнларининг операцион назорати;

- қабул қилиш назорати.

6. Суғориш тизимлари ва иншоотларини реконструкция қилишда лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишлари эксплуатация хизматлари ёки ердан фойдаланувчининг талабларини (буюртмачи, пудратчи ва лойиҳа ташкилоти билан келишилган) ҳисобга олган ҳолда бажариш тавсия этилади.

7. Янги суғориш тизимлари ва иншоотларини қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилишда қурилиш-монтаж ишларини қурилиш ҳудудларида жойлашган, бузилмайдиган ёки кўчирилмайдиган иншоотлар ва коммуникацияларни сақлаб қолинишини таъминлайдиган усуллар ёрдамида бажариш лозим.

8. Қурилиш ишларини ташкил қилиш бўйича лойиҳада, суғориш тизимларнинг ва иншоотларнинг объектларини қуриш (реконструкция ва таъмирлаш вақти) қишлоқ хўжалигининг ўзлаштириш ишларини бажариш бўйича ва суғориладиган ерларни ишлатиш вақти билан боғлаш лозим.

9. Автомобиль йўлларини ва улар учун иншоотлар қуриш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари иншоотларнинг тўлиқ қисмида, шунингдек суғориш тизимлари тадбирларига мос равишда бажарилиши керак. Бунда, биринчи навбатда автомобиль йўллари қурилиши лозим.

10.Автомобиль йўллари ва улар учун иншоотлар қуриш ишлари лойиҳа асосида, шунингдек қабул қилинган меъёрий хужжатларнинг талабларига мос равишда бажарилиши керак.

Суғориш тизими бўйича қурилиш ишлари якунланиб, уни фойдаланишга топширгандан сўнг, автомобил йўлларини тузатиш ва тиклаш ишларини ўтказиш зарур, бунинг учун харажатлар лойиҳада ҳисобга олинган бўлиши керак.

11. Суғориш тизимлари ва иншоотларини қуришда, реконструкция қилиш ва таъмирлаш тадбирларини бажаришда атроф-муҳитни, табиатни муҳофаза қилинишини таъминлаш керак.

Табиатни ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар ва бажариладиган ишлар лойиҳа-смета ҳужжатларда кўзда тутилган бўлиши керак.

4-боб. Меҳнат муҳофазаси ва табиий муҳитни ҳимоялаш

12. Мелиоратив ишларни амалга ошириш жараёнида иш тури билан боғлиқ бўлган қуйидаги хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсирини истисно қиладиган чоралар кўзда тутилган бўлиши лозим:

- ҳаракатланаётган машина ва механизмлар;
- ишлаб чиқариш ускуналарининг ҳаракатланувчи қисмлари;
- бузилаётган конструкциялар;
- қулаб тушаётган жинслар ва материаллар;
- уланиши (замыкание) инсон танаси орқали ўтиши мумкин бўлган кучланиш ва электр занжирининг юқори қиймати;
- иш майдони ҳавосининг чанг ва газ билан ҳаддан зиёд ифлосланганлиги;
- иш жойида шовқиннинг юқори даражаси;
- иш майдонида юқори ёки паст барометр босими ва (ёки) унинг кескин ўзгариши;
- ҳавонинг юқори ёки паст намлиги;
- инфрақизил радиациянинг юқори даражаси;

- иш майдони ҳавосининг енгил алангаланувчи ва захарли суюқликлар буғлари билан юқори даражада ифлосланганлиги;

- биологик-патоген микроорганизмлар ва уларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, таъсири оқибатида ишчиларда касаллик келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳашаротлар.

13. Иш жойидаги шовқин даражасининг рухсат этилган талабдан ошиб кетмаслиги ҳамда шовқин даражасини пасайтириш йўлида амалдаги меъёрларга мувофиқ чоралар кўрилиши лозим.

Шовқин даражасини пасайтириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш керак:

- ишчи томонидан эшитиш қобилиятини йўқотиш хавфини баҳолаш;

- хавфнинг мақбул даражасини ҳисобга олган ҳолда иш жойларини лойиҳалаш;

- паст шовқинли машиналардан фойдаланиш;

- шовқин шаклида қайта тарқалиши мумкин бўлган шовқин ва тебранишларнинг тарқалишига тўсқинлик қилувчи материаллар ва иншоотлардан фойдаланиш;

- иш жойидаги шовқин таъсирини камайтириш учун шовқинли машиналарни оптимал жойлаштириш;

- шовқиннинг зарарли таъсири бошқа салбий омиллар мавжудлиги билан кучаймайдиган иш шароитларини яратиш;

- шовқинга қарши тиббий кўрсатмага эга бўлмаган шахсларни меҳнатга жалб қилиш ва аудиометрия воситаларидан фойдаланган ҳолда уларни мунтазам тиббий кўрикдан ўтишларини таъминлаш;

- ишчиларни машиналардан тўғри фойдаланишга ўргатиш орқали уларда эшитиш қобилиятини йўқотиш хавфини камайтириш;

- шовқиннинг салбий таъсиридан келиб чиққан ҳолда ишчининг соғлиғи хавфини камайтириш бўйича иш берувчи томонидан кўрилган чоралар ва агар у ушбу чораларга риоя қилмаса, унга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо чоралари тўғрисида ишчиларни хабардор қилиш;

- шахсий шовқин ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланишни назорат қилиш;

- иш жойларида даврий шовқин назоратини ўтказиш ва натижаларга кўра, ходимга шовқин юкини камайтиришга ёрдам берадиган иш режимини ташкил этиш, шунингдек, унга риоя этилишини назорат қилиш;

- таъмирлашдан кейинги ва агар керак бўлса, машиналарнинг шовқин хусусиятларини даврий назорат қилиш;

- шовқиннинг салбий таъсирини камайтирадиган профилактика чораларини ташкил қилиш;

- ишчиларнинг эшитиш қобилиятини сақлаш бўйича комплекс дастурларни ишлаб чиқиш.

14. Ёнғинлардан келиб чиқадиган хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, шунингдек, ёнғин хавфи ва уларнинг иккиламчи кўринишлари туфайли, ушбу объектлар ва унинг атрофида жойлашган одамларнинг оммавий шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган объектлар ёнғин содир бўлишининг минимал эҳтимолини таъминлайдиган ёнғин хавфсизлиги тизимларига эга бўлиши керак.

15. Объектнинг ёнғин хавфсизлиги ёнғиннинг олдини олиш ва ёнғиндан ҳимоя қилиш тизимлари, шунингдек, ташкилий ва техник чоралар орқали таъминланади.

EZR3847

Ёнғин хавфсизлиги тизимлари одамлар ва моддий бойликларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш даражаси, шунингдек, объектнинг барча босқичлари (илмий ишлаб чиқиш, лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш)ни ҳисобга олган ҳолда ушбу тизимларнинг моддий бойликлар учун самарадорлигининг иқтисодий мезонлари билан тавсифланиши ҳамда қуйидаги вазифалардан бирини бажарилишини таъминлаши керак:

- ёнғин келиб чиқишини олдини олиш;
- одамларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;
- моддий бойликларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;
- бир вақтнинг ўзида одамлар ва моддий бойликларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш.

Объектларда одамларга ёнғиннинг хавфли омиллари, шу жумладан уларнинг иккиламчи кўринишлари таъсирини талаб даражасида олдини олишга қаратилган ёнғин хавфсизлиги тизимлари мавжуд бўлиши лозим.

16. Суғориш тизимларни ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилишда ва таъмирлашда табиат ва атроф-муҳитни ҳимоя қилинишини таъминловчи тадбирларни кўзда тутувчи қарор ва меъёрий ҳужжатларга қатъий амал қилиш лозим.

17. Табиатни ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар қабул қилган давлат қоидаларига, мезонларига ва бошқарув органларининг тегишли ҳужжатларига мувофиқ белгиланган бўлиши керак ва лойиҳа смета ҳужжатларида кўзда тутилган бўлиши лозим.

18. Қурилиш жараёнида атрофни ўраб олиш, объектни ҳимоялаш, лойиҳа талабларига асосан қурилиш ишларини ташкил этиш мавжуд меъёрий ҳужжатлар ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

19. Ҳимоя қилинадиган, қўриқланадиган ва алоҳида махсус ҳудудлар чегарасидаги қурилиш монтаж ишлари қонун қоидаларга асосан белгиланган тартибда, шунингдек улар тўғрисидаги бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланиб бажарилиши лозим.

20. Ер ишларини бажариш пайтида археология, палеонтология қурилмалари борлиги маълум бўлса, ишлани тўхтатиш ва дарҳол ички ишлар бошқармаси ёки юқори турувчи органга хабар бериши лозим.

21. Ерни текислашда, қирғоқлар тагида ва турли қазишмалар билан банд бўлган ҳудудда, асосий қазиш ишлари бошланишидан олдин унумдор тупроқ қатлами қурилишни ташкил этиш лойиҳасида белгиланган миқдорда олиб ташланиши керак. Ҳосилсиз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ёки унумдорлигини оширишда кейинчалик фойдаланиш учун чиқиндихоналарга ўтказилади.

Бунда, ҳосилдор қатламни қуйидаги ҳолларда кесиб олишга йўл қўйилмайди:

- унумдор қатлам қалинлиги 10 cm дан кам бўлса;
- сувлаштирилган ва ботқоқланган бўлимларда;
- тепа бўйлаб кенглиги 1 m ва ундан кам бўлган хандақларни ишлашда;
- унумдорлиги паст тупроқда, Атроф-фуҳит муҳофазаси. Ерлар. Бузилган ерларни рекультивация қилиш бўйича умумий *талаблар (расмий манба: Охрана окружающей среды. ЗЕМЛИ. Общие требования по рекультивации нарушенных земель)*га мувофиқ ёки кўрсатилганларининг ўрнини босувчиларга асосан йўл қўйилади.

22. Муваққат дамба қуришда, тупроқ бостиришда ва бошқа доимий ва муваққат ер иншоотларни қуришда унумдор тупроқ қатламини ишлатиш қатъий ман қилинади.

23. Қурилаётган объектлар ҳудудида лойиҳа ҳужжатларида келтирилмаган дарахтларни кесишга, шунингдек атроф-муҳитга ортиқча зарар етказишга йўл қўйилмайди.

24. Қурилиш ишлари амалга оширилаётган объектлар ҳудудида зарур автомашина йўллари ва бошқа йўллар қурилишида қишлоқ хўжалиги экинлари ёки “яшил макон” ҳудудларининг бузилишига йўл қўйилмайди.

25. Сув омборларнинг ва дарёнинг гидротехник иншоотларини қуриш жараёнида дарёнинг паст соҳилини ва ёнидаги қирғоқ бўйи минтақаларини қурилиш қолдиқлари билан ифлосланишидан сақлаш, ахлатдан, ҳўжалик-маиший оқова сувларидан ҳимоя қилиш ишларини бажариш лозим.

26. Суғориш тизимининг ва иншоотларнинг бутун майдони бўйича қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари тугагандан кейин, қурилиш чиқиндиларини ва бошқа зарарли ва заҳарли моддалардан тозалаш ишларини бажариш лозим.

Маҳаллий ишлар бирлашмаларини бошқариш ва ер истеъмолчиларининг розилиги билан чиқариб ташлаш зарур бўлган қолдиқларнинг ҳаммаси махсус ажратилган жойга уюм қилиб тўпланган бўлиши керак.

5-боб. Техник экинлаштириш ишлари

27. Янги ўзлаштирилаётган ерларнинг табиий хусусиятларига қараб ва ҳозирги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд суғориш тизимларини реконструкция қилиш жараёнида қуйидаги техник экинлаштириш ишлари амалга оширилади: майдонларни дарахт ва бута ўсимликлари ҳамда тўнкалардан тозалаш, тупроқни тошлардан тозалаш, дўнгликларни текислаш, қамишларни йўқотиш.

28. Техник экинлаштириш ишлари лойиҳа қарорларига мувофиқ, кейинги агротехник тадбирлар билан биргаликда ва ушбу талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

29. Техник экинлаштириш ишлари махсус машиналар – бута кесиш, илдиз суғуриш машиналари, плантаж плуглари, оғир дискли бороналар ва бошқа машиналар ёрдамида амалга оширилиши керак.

30. Тош йиғиш ишларини бажаришда юзадаги ва ярим яширин тошларни, сўнгра тупроқнинг юқори қатламида (40 cm гача) яширинган, ўлчами 10 cm дан катта бўлган тошларни олиб ташлаш керак.

31. Тош йиғиш ишлари улар сақланадиган жойига яқинроқ жойлашган тошларни йиғишдан бошланиши керак.

32. 70 cm дан катта ўлчамдаги тошлар турган жойида портлатиш йўли билан ёки гидравлик болғалар ва электрогидравлик қурилмалар ёрдамида олдиндан майдаланганидан кейин олиб ташланиши керак.

33. Тошларни чиқариб ташалш учун транспорт воситалари тошларни олиб бориш масофасининг узоқлигидан келиб чиқиб танланади. Ушбу масофа 5 km дан ошмаса, тошларни чиқариб ташлаш самосвал чанғи ва чана (пена)ларда амалга оширилади.

34. Тошларни лойиҳа билан ажратилган жойларга жойлаштириш лозим. Агар бундай жой лойиҳада кўрсатилмаган бўлса, тошларни пастликлар, жарлик ва ўпқонларни тўлдириш учун тўкиш лозим.

Кейинчалик фойдаланилганда тошларни, шунингдек дарахт ва бута ўсимликларини электр ва алоқа линияларининг истисно зонасида, автомобиль ва темир йўллари ҳамда каналолди чизиқларда сақлашга йўл қўйилмайди.

35. Дарахт ва бута ўсимликлари босқичларга бўлинган ҳолда олиб ташланиши керак: аввал тўнкалар 5-10 m масофага суриб суғурилади, сўнгра уларни силкитиб, уюмларга ташланади.

36. Ёғочлардаги тупроқ ажраладиган даражада қуриганидан кейин улар яхшилаб силкитиб, тозаланиши керак.

37. Ёғоч йиғиндисини ёқиш ёки уни маҳаллий аҳоли фойдаланиши учун белгиланган жойларга олиб бориб ташлаш буюртмачи-ердан фойдаланувчи ҳамда пудратчи томонидан ҳал қилиниши керак.

38. Ер сиртидан туртиб чиққан дўнгликлар бульдозер билан кесилганидан сўнг плантаж плуги билан ҳайдалади ва оғир дискли бороналар билан унга ишлов берилади.

39. Қамиш билан қопланган майдонларни қамишдан тозалаш ишлари зарур агротехник тадбирларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги технологик ишларнинг бутун мажмуасини қамраб олиши керак:

- ерусти массасини ўриш ва чиқариб ташлаш;
- 50 cm чуқурликкача қатламни ағдариш билан ерни плантаж усулида ҳайдаш;
- қамишнинг зичлик даражасига қараб керакли кўпликдаги оғир дискли борона билан сиртни дисклаш;
- ўзлаштирилаётган ҳудудни илдизлардан тозалаш ва ёқиш.

40. Тупроқни бирламчи қайта ишлаш жараёнида қуйидаги талабларга риоя қилиш керак: унумдор тупроқ қатламини сақлаш, қатламнинг етарли даражада айланиши ва парчаланиши, чим, ўсимликлар ва майда ёғоч қолдиқларини чуқур ва тўлиқ кесиш.

41. Ҳайдаладиган ер дискланган ва текисланган бўлиши керак, қатламни кесиш тупроқни дастлабки шудгорлаш ва қуритишдан кейин амалга оширилиши керак.

42. Техник экинлаштириш ишлари кўрсаткичларининг лойиҳа кўрсаткичларидан четга чиқиши 1-жадвалда кўрсатилган қийматлардан ошмаслиги керак.

43. Ҳайдаладиган 10 ha да битта нуткда дастлабки ҳайдашни сифатини текшириш лозим. Тошлар ва дарахтли қолдиқларни аниқлашда, қуйидаги бўлимлар сонини қабул қиши зарур: - 100 ha гача майдонда – 3 та. 100 ha дан 200 ha гача – 5 та, 200 ha дан ортиқ бўлса 6 та бўлимни қабул қилиш лозим.

1-жадвал

Кўрсаткичлар	**Йўл қўйилган четланишлар**
Бўлимда 10x10 ўлчами 5 cm дан 15 гача cm тошлар қолдиғи	5 дан кўп эмас
Узунлиги 20 cm дан 30 гача, диаметри 5x5 cm дан 4 sm дан 5 гача бўлган ёғоч қолдиқлари	8 дан кўп эмас
Дастлабки ҳайдаш чуқурлиги	$\pm$6cm
Дастлабки ҳайдашда қатламнинг тўлиқ ағдарилиши	35^0
5x5 участкада дискалашдан сўнг ўлчами 7 дан 15 cm гача чим буталари ва грунтнинг мавжудлиги	5 донадан кўп эмас

Юзанинг нотекислиги	±7 cm

6-боб. Каналларни қуриш

44. Магистрал, хўжаликлараро ва хўжалик ички суғориш тармоқларида, шунингдек, ташламалар ва тупроқ ўзанли очиқ зах қочириш зовурларида сизилишга қарши қопламаларни қуриш қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва амалдаги қонун қоидаларга мос равишда бажарилиши керак.

45. Йирик каналларни қуришда, нисбатан қийин бўлган топография ва гидрогеология, шунингдек, қияликда, чиқувчан ва буртувчан грунтда, қоя жинсларда, канал йўналиши бўйлаб қумтепа мавжудликда, гидромеханизация ва портлатиш усулларидан фойдаланишда, шунингдек каналларни таъмирлаш ва реконструкция қилишда, уларни таъмирлашда умумий ва соҳавий меъёрий қоидалардан ташқари қурилишни ташкил қилиш лойиҳаси ва ишлаб чиқариш талаблари ҳам ҳисобга олиниши керак.

46. Каналларни қуриш учун ер ажратишда қуйидагиларни ҳисобга олиши керак:

доимий ва вақтинча тупроқ уюмларни жойлаштириш, портлатилган жинслар ва замин тупроқ учун чуқурликлар, эхтиёт қатламлар ва замин тупроқларни ташиш учун зарур бўлган маълум кенгликдаги йўлаклар ажатилиши керак.

Ишлаб чиқариш билан боғлик бўлган ишларга ер ажратиш, замин тупроқ қатлами уюмларини жойлаштириш учун қурилишни ташкил қилиш лойиҳа асосида бажарилади.

47. Каналларни қуришда тупроқлар ер массалари мувозанатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак

48. Автотранспорт ёки скреперлар билан замин тупроқни кўтармаларга транспоротировка қилишда исроф миқдорини ҳисобга олиш лозим;

- замин тупроқни 1 km гача масофага кўчириб ўтказишда - 0,5 %;
- катта масофага - 0,1 %;
- замин тупроқни кўтарма бульдозер билан кўчириб ўтказишда 2,5 % га тенг.

49. Каналларни қуриш учун ажратилган ер йўлларини тозалаш буталарни кесишни, дарахтлар қолдиқларини териб олишни, тункаларни, тошларни кўчириб ташлашни, шунингдек захира қатлами сиртидан ўсимлик ва унумдор қатламини кесишни ўз ичига олади.

Тупроқнинг унумдор қатламини қирқиб олиш ва қайта ишлатиш қурилишни ташкил қилиш лойиҳа асосида амалга оширилади.

Тупроқнинг унумдор қатлами қалинлиги 10 cm ёки ундан кам бўлса, бунда унумдор қатламни кесиб олишга йўл қўйилмайди.

50. Йирик сув йиғувчи ва зах қочирувчи зовурларни қуриш учун ажратилган йўлакларни тозалашда буталарни қирқиб олиш, дарахтлар қолдиқларини йиғиб олиш, ўйилма чегарасидаги қияликлар сиртини қамишдан тозалаш, тўнкалар ва тошларни қўпориб ташлаш ишлари амалга оширилиши лозим.

Тўнкаларни қўпориш ва тошларни териш зарурлиги лойиҳа ҳужжатларида белгиланган бўлади.

51. Қурилишни олиб бориш тартиби лойиҳа асосида амалга оширилади, бунда аввал нисбатан катта бўлган хўжаликлараро суғориш тармоқлари, сўнгра эса улардан сув олувчи кичик каналларни қуриш тавсия этилади.

52. Суғориш каналларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш қоидаларига мувофиқ, сув манбаининг нишаблигидан, оқим йўналиши томонга қараб олиб бориш, йирик сув йиғувчи зах қочириш зовурларни эса, сув қабул қилувчидан юқори йўналиш томонга қараб амалга ошириш тавсия қилинади.

53. Қояларникидан ташқари грунтлардаги ўйилмаларни асос грунтларининг табиий тузилишини сақлаган ҳолда лойиҳа белгисигача ишлаб чиқариш лозим, тубнинг лойиҳавий белгиларининг ошишига йўл қўйилмайди. Ўйилмаларни қуруқ-ковлаш механизмлари билан, икки босқичда ишлаб чиқаришга йўл қўйилади. Биринчи босқич – 2-жадвалдаги 1- ва 2-ҳолатларда келтирилган четлашишилар билан, якуний босқич 3-ҳолатда келтирилган четлашишилар билан.

Пишиқ-мустаҳкамлаб ишланган канал тубидан лойиҳа белгисидан пастроқдан ортиқча грунт олишга, қоидага мувофиқ, йўл қўйилмайди. Қияликлардан тасодифан ортиқча олинган грунт ўрни пастки қатлам материали билан тўлдирилади, туби эса, маҳаллий замин грунти билан тўлдирилиб, табиий тузилмага эга грунтнинг зичлигига етгунча зичлаштирилади.

2-жадвал

Техник талаблар	**Маълум миқдорда рад этиш**
1. Қоралама ишлаб чиқаришда ўйилмалар белгиларининг лойиҳадан четланиши а) тишли чўмич билан жиҳозланган бир чўмичли экскаватор; б) текислаш чўмичлари, тозалаш ускуналари, текислаш экскаваторлари билан жиҳозланган бир чўмичли экскаваторлар в) бульдозерлар билан г) скреперлар билан	 Механик ҳаракатли иш жиҳозлари билан экскаватор учун: драглайн + 25 cm тўғри куракчали + 10 cm тескари куракчали + 15 cm Гидравлика ҳаракатли экскаваторлар учун + 10 cm + 5 cm + 10 cm + 10 cm
2. Қоя грунтларида қоралама ишлаб чиқаришда ўйилмалар белгиларининг лойиҳадан четланиши а) етарли даражада олинмаган б) ортиқча линган	 Йўл қўйилмайди 3-жадвал бўйича
3 Якуний ишлаб чиқаришда ёки етарли даражада олинмаганларни тўлиқ олгандан сўнг ва ортиқча олинганнинг ўрнини тўлдиришда белгиларнинг четланиши.	± 5 cm

3-жадвал

Қоялик грунтларининг хилма-хиллиги	**Сиртқи юмшатишда йўл қўйилган ортиқча олинишнинг миқдори, cm**

	Портлатиш усули билан		механик усул билан
	Қудуқ зарядлари усули	Шпур зарядлари усули	
1,0 дан кам бўлган дарзлик модулида мустаҳкам ва ўта мустаҳкам Бошқа қоялик грунтлари	20 40	10 20	5 10

54. Каналларни ва йирик зах қочириш зовурларни қуришда, ер ости сувлар сатхи ўйилмалар тагидан баландроқ шароитда ўтса ва реконструкция қилишда, таъмирлашда эса, кўчиш даврида сув тушириш ва сув қайтариш сув сарфини ўтказиш учун шароит зарур бўлса, қурилишни ташкил этиш лойиҳаси ишлатилади ва замин тупроқни ишлаб чиқариш каби бажарилади, узунликка боғликликда, ер ишларининг хажмига, қурилиш учун белгиланган вақтга ва ишлатиладиган ер ковлаш техникасига боғликликда ишлаб чиқариш ишлари лойиҳасига асосланиб бажарилади.

Ерости сувлари сатҳининг пастки қисмида ерости сувлари пайдо бўлиши шароитида каналлар ва коллекторларни, шунингдек дренаж қуриш ва реконструкция қилиш қурилишни ташкил этиш лойиҳасида келтирилган тартибда амалга оширилади. Бунда, тупроқ қазиш ишларини ташкил этиш, унинг узунлиги, қазиш ҳажми, қурилиш вақти ва ишлатиладиган тупроқ қазиш ускуналарига қараб белгиланади.

55. Қурилишда сузувчи ер снарядларини қўллаганда “Ер иншоотлари. Замин ва пойдеворлар” қурилиш регламенти қоидаларига риоя этилиши лозим.

56. Грунтни сув оқими йўналиши бўйича ер снарядлари ёрдамида, тубнинг нишаблиги бўйлаб планёр кесилиш билан қазиш тавсия этилади. Қияликларга ишлов бериш драглайн иш жиҳозли экскаваторлар ёрдамида бажарилади.

Иш навбати грунт ва муваққат қияликларнинг мустаҳкамлигига боғлиқ ҳолда белгиланади.

57. Каналларни ва зах қочириш зовурларни механизмлар ёрдамида таъмирлашда сув сатҳи 0,7 m дан баландроқ шароитда ва йўналиш чизиғи бўйича ер усти сувлар мавжуд бўлганда, ишларни хандак қазишдан бошлашни ва сувни вақтинча қайтаришда тупроқдан кўтарма челлар қуриш билан олиб бориш тавсия қилинади.

58. 0,03 МРа гача (0,3 kg/cm^2 гача) юк кўтариш қобилиятига эга бўлган грунтни ишлаб чиқаришда юриш йўли кенгайтирилган ва узайтирилган ўрмаловчи экскаватор билан бажариш тавсия қилинади, оддий техникани ишлатишда эса – қосқонсимон тўсиқлар ёки сланлар қўллаш билан бажарилади. Қўшимча тупроқ бостириш, тупроқ-тўшак устки қисм кенглиги 4 m дан кам бўлмаслиги керак ва тупроқ тўкишда техникани айланиши учун қулай бўлган майдончаларни қуриш билан бажарилиши лозим: пуштанинг сув сатҳидан кўтарилиши 0,7 m дан кам бўлмаслиги керак.

59. Ерусти сувлари бор ва уларни чиқариб ташлашни ташкил қилишнинг иложи бўлмаган участкаларда каналларни кўтармалар, яримчуқурлик, ярим кўтармаларда қуриш, каналларнинг дамбаларини лойиҳавий белгисигача тупроқ билан тўлдиришни пионер усулида сифатли кўтарма-ёстиқчалар билан бажариш тавсия қилинади.

I-III гуруҳ грунтларида чуқурлиги 3 m гача, тубининг кенглиги 2,5 m гача бўлган суғориш каналларини узлуксиз мелиоратив машиналар, нишабни автоматик бошқариш

тизимига эга айланувчи ва айланма шнекли экскаваторлар ҳамда ариқ қазувчилар ёрдамида ишлаб чиқиш тавсия этилади.

60. Пастки қисмининг кенглиги 2 m гача бўлган каналлар кўтармалар, ярим кўтармалар ва ярим чуқурчаларда тайёр ёстиққа кўра, каттароқ кенгликда эса – дамбаларни алоҳида қуриш орқали кесилиши керак. Ёстиқнинг юқоридаги кенглиги лойиҳа томонидан белгиланади.

61. Кўтармаларни қуришда, ушбу қоидаларга қўшимча равишда, “Ер иншоотлари. Замин ва пойдеворлар” ва “Дарё гидротехника иншоотлари” қурилиш регламентлари қоидалари ва талабларига риоя қилиш керак.

62. Грунт ёстиқлари ва қиялик (откос)лари мустаҳкам бириктирилган каналларнинг дамбалари грунтни қатлам-қатлам зичлаш билан уларнинг тепасига қуйилиши керак.

Каналлар дамбалари қияликларини бошқа турдаги мустаҳкамлагич билан ёки мустаҳкамлагичсиз грунтни мажбурий сув сатҳининг белгиларидан баландроқда зичламасдан, кейинги ёғингарчилик учун зичланмаган қатлам баландлигини 20 % гача тўлдиришга рухсат берилади.

63. Грунтнинг лойиҳавий зичлигини таъминлаш учун каналлар дамбаларининг қаттиқ мустаҳкамланиши керак бўлган қияликлари қияликлар меъёрлари бўйича 20 cm гача кенгайтириш билан тўкилиши лозим.

Қияликлардаги зичланмаган грунт ўрнатиш жараёнида кесиб олиниши ва баландлик қилиб уюлиши ёки дамбаларнинг ташқи қияликларига бостирилиши керак.

64. Дамбаларнинг кўтармалари учун қазишдан етишмаётган грунт захиралари, қоида тариқасида, канал йўллари бўйлаб ётқизилиши керак.

65. Каналлар кўтармаларини кўтариш учун ишлатиладиган грунт таркибида сувда тез эрувчи тузлар миқдори 10 % дан ошмаслиги лозим.

66. Портлатиш ишларини қўллаш билан суғориш тизимлари ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилиш “Ер иншоотлари. Замин ва пойдеворлар” қурилиш регламентига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Каналлар ва зах қочириш зовурларини ён-атрофга сачратиб портлатиш (взрыв на выброс) ёрдамида қуриш, қоидага кўра, узлуксиз горизонтал цилиндрик зарядларни қўллаш билан амалга оширилиши лозим.

67. Каналлар ва зах қочириш зовурларини қуришда, сув оқими ва шамол эрозияси сабабли насосларни тозалаш бўйича вужудга келган ишларнинг ҳажми ҳисобга олиниши керак. Насосларнинг мавжудлиги кўздан кечириш орқали ёки асбоблар ёрдамида аниқланади.

Насосларнинг ҳажми каналнинг ишчи кесими, шу жумладан берманинг ҳар 50 m да кўндаланг кесимларини ўрганиш орқали аниқланади.

68. Қурилиш-монтаж ишлари сифатининг ишлаб чиқариш назорати: лойиҳага, ушбу талабларга ва “Ер иншоотлари. Замин ва пойдеворлар” қурилиш регламентига мувофиқлигини текшириш керак:

- кетказиш тасма (полоса)сини тозаланиши;
- зах қочириш зовури, канал ўқининг ҳолати;
- тупроқнинг унумдор қатламини кесиб олиш, ундан фойдаланиш ва сақлаш;
- асосларни дамба ва ёстиқлар учун тайёрлаш;
- дамба ва ёстиқлар асоси учун грунт, захира грунт – карьер тури;

- дамба ёстиқларга ётқизилган грунтнинг ҳар бир қатламининг зичлиги;
- зах қочириш зовури, каналнинг кесма ўлчамлари ва бўйлама нишаблиги;
- ўрнатиш учун тайёргарлик;
- тозалашдан кейин туб ва қияликлар грунтининг тузилиши;
- қияликларни мустаҳкамлаш ва сизилишга қарши қопламаларни бажариш;
- ағдарилган грунт қатламларини текислаш ва тупроқтепаларни ўрнатиш.

69. Зах қочириш зовурлари параметрларларининг лойиҳа параметрларидан четга чиқиши 4-жадвалда, ер-ўзанли каналлар бўйича эса 5-жадвалда кўрсатилган йўл қўйилган миқдордан ошмаслиги керак.

70. Каналлар ва зах қочириш зовурларини ёки уларнинг алоҳида участкаларини қабул қилишда параметрларни танлаб текшириш керак. Умумий узунлиги уларнинг узунлигининг камида 10 % бўлган турли участкаларда, ўлчаш усулидан фойдаланган ҳолда, камида ҳар 50 m да, чорраҳаларда, белгилар ўзгарган жойларда, бурилишлар ва туташган жойларда.

Каналларнинг бўйлама нишабини бурилиш жойларида, белгиларнинг ўзгариш жойларда ва тўғри участкаларда ҳар 500 m масофада текшириш лозим.

4-жадвал

НОМЛАНИШИ	**Йўл қўйилган четланиш миқдори, ҳисобий сув сарфда. m^3/s**	
	10 гача	10 дан юқори
Зах қочириш зовурнинг ўқи	± 20 cm	± 30 cm
Туб белгилари	20 cm	25 cm
Тубнинг бўйлама нишаби	± 10 %	± 10 %
Туб бўйича кенглик	+ 15 %	+ 10 %
Қайрилиш радиуси	± 5 %	± 5 %
Қияликларнинг тиклиги:		
ҳўлларининг	10 %	10 %
қуруқларининг	± 10 %	± 10 %
Қияликлар сиртининг текислиги	± 10 cm	± 10 cm

5-жадвал

НОМЛАНИШИ	**Каналнинг ўтказувчанлик қобилиятида четланишларнинг йўл қўйилган миқдори, m^3/s**		
	10 гача	10 дан юқори 50 гача	50 дан юқори
Каналнинг ўқи	± 20 cm	± 30 cm	± 50
Тубнинг белгиси	- 10 cm	- 15 cm	- 25
Дамба тепасининг белгиси	+ 10 cm	+ 15 cm	+ 30 cm
Супачалар белгиси	+ 10 cm	+ 15 cm	+ 30 cm
Бўйлама нишаб		± 10 %	
Туб бўйича кенглик	± 20	± 30 cm	± 50 cm

Дамба чўққиси бўйлаб кенглик		± 5 %	
Чуқурлик қиялигининг тиккалиги: ҳўлларининг қуруқларининг Дамба қияликларининг тиклиги Қиялик сиртининг текслиги		 + 5 % - 10 % - 10 % + 15 % ± 10 cm	

71. Туб белгиларининг оғиши, бермаларнинг қиялик қирралари ва дамбаларнинг юқори қисми, туби бўйлаб кенглиги ва канал бўйлаб қиялик юзасининг текислиги иш охирига етказилганидан кейин қаттиқ маҳкамлаш учун, тўкилманинг сиқилмаган грунтини кесиш ва жойлаштирилиш ±5 cm рухсат этилади.

Жойлашишнинг аниқлиги асбоблар билан ёки қиялик бўйлаб 20 m дан кейин ўрнатилган қозиқларда қўриш билан шаблонлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

72. Кўтарманинг қурилиш сифатини назорат қилиш қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- кўтармаларга тўкиш учун мўлжалланган грунтларни дастлабки текшириш;
- тўкиш технологиясига риоя қилиш ва тўкилмаларда грунтни зичлаш сифати устидан тезкор назорат.

73. Лойиҳада кўтармаларни қуриш учун мўлжалланган грунтларнинг турлари ва физик-механик хусусиятлари, керакли зичлик даражаси (қуруқ грунтнинг зичлиги ёки сиқилиш коэффициенти) кўрсатилиши керак.

74. Бир хил материалдан кўтармаларни қуриш учун бажарилган ер ишларининг сифатини белгиловчи мезон ётқизилган грунтнинг лойиҳа зичлигига эришишдир.

Қум ва шағал-тошли грунтлардан кўтармаларни қуришда асосий назорат хусусиятларига грунтнинг гранулометрик таркиби ҳам киради.

75. Назорат қилинадиган кўрсаткичларнинг таркиби, чегара оғишлари, назоратнинг ҳажми ва усуллари 6-жадвалга мос келиши керак. Грунт хусусиятларининг кўрсаткичларини аниқлаш нуқталари майдон ва чуқурлик бўйича тенг тақсимланиши керак.

6-жадвал

Техник талаблар	**Чегарали четланишлар**	**Назорат (усул, ҳажми)**
1. Кўтармаларни кўтаришда замин тупроқнинг донадо таркиби (лойиҳа кўрсатгичларига асосан)	Лойиҳага мувофиқ бўлиши керак. Лойиҳадан четга чиқиш даражаси аниқланишидан 20 % дан кўп бўлмаган ҳолда йўл қўйилади.	Лойиҳага мувофиқ кўрсатгичлари бўйича ҳисобий ёки ўлчовчи
2. Кўтармаларни кўтаришда, замин тупроқ таркибида сувда тез		

эрувчан тузлар миқдори борлиғида: баландлиги 3 m гача 3 m дан баландроқда	Модда бўйича миқдори 10 % дан ошмаслиги керак Миқдори лойиҳада кўрсатгичлардан ошмаслиги керак	Лойиҳа кўрсатгичи бўйича ўлчовчи замин тупроқнинг 10 минг m^3 лик ўлчовдан кам бўлмаган ҳолда аниқланади
3. Қаттиқ киритлмалар ўлчови (кўтармаларда тошлар, валунлар)	Зичлаштирилган қатлам кесимлигидан 2/3 дан ошмаслиги керак 15 cm дан ошмаган ҳолда.	Вақтма-вақт кўз назорати билан (қурилишни ташкил этиш лойиҳасида белгиданади)
4. Зичлаштирилган кўтармаларни , қабул қилинадиган бўлимларнинг қуруқ замин тупроқнинг ўртача зичлиги	Аниқланиш бўйича зичликнинг ахамияти лойиҳадан 15 % миқдорда четланишга йўл қўйилади	Лойиҳанинг кўрсатгичи бўича ўлчовчи кўрсатгичлар бўлмаганда кўтарманинг 1,0 минг m^3 га битта аниқлашдан кам эмас
5. Зичлаштирилган кўтармаларни, қабул қилинадиган бўлимларнинг қуруқ замин тупроқнинг ўртача зичлиги, қайсилар учун бу миқдор лойиҳада берилмаган	7-жадвалда келтирилган зичлаш коэффициентини наорат қилиш аҳамияти қуруқ замин тупроқ зичлигига мос бўлиши керак, уедан паст бўлишига йўл қўйилмайди	Ўлчанадиган ҳажми текширувчи муассаса томонидан аниқланади

76. Грунтни “қуруқ” ётқизишда зичлаш, қоида тариқасида, AW_0-W=BW_0 оралиғида бўлиши керак бўлган W намлигида амалга оширилиши керак, бу ерда Wo стандарт зичлаш мосламасида аниқланадиган оптимал намликдир. А ва Б коэффициентларни 8-жадвалга мувофиқ олиш керак.

7-жадвал

Тупроқ тури	**Зичлаш коэффициентининг назорат қилиш аҳамияти K_{com}**			
	2-гача	2.01-4 гача	4.01-6 гача	6 дан юқори
Бўтқалойли	0,92	0,93	0,94	0,95
Қумтошли	0,91	0,92	0,93	0,94
Изоҳ: керакли зичланишга келтирилган қуруқ замин тупроқ, стандарт зичлаш асбобида олинган қуруқ замин тупроқ энг катта зичланиш нисбатга коэффициенти деб аталади.				

8-жадвал

Тупроқ тури	**А ва В коэффициентлар миқдори K_{com} зичлаш коэффициентининг**

	0,92		0,95	
	А	В	Ф	В
Йирик қумлар	Чегаралаб қўйилмайди			
Чангсимон қумлар	0,40	1,60	0,50	1,45
Қумли	0,56	1,40	0,75	1,35
Соғ тупроқ	0,75	1,20	0,85	1,15

7-боб. Тўсувчи дамбаларни қуриш

77. Тўсувчи дамбаларни (бундан буён матнда дамбалар деб юритилади) қуруқ, тупроқни сувга тўкиш орқали, ювма усулда, ботқоқ ва сув босган жойларда, маҳкамланган ёки маҳкамланмасдан қуришда “Ер иншоотлари. Замин ва пойдеворлар” ва “Дарё гидротехника иншоотлари” қурилиш регламентлари талабларига риоя қилиш керак.

Сув босмайдиган дамбаларнинг юқориси бўйлаб автомобиль йўлларини қуриш дамба кўтармаларини қуриш билан бирга амалга оширилса, “Автомобил йўллари” қурилиш регламенти талабларини ҳисобга олиниши керак.

78. Дамбаларни қуриш дарёнинг юқори оқимидан, кўл ва денгиз ҳудудларида – қирғоқдан энг узоқда жойлашган жойлардан бошланиши керак.

79. Қийин гидрогеологик шароитларда (ботқоқ ва сув билан тўлдирилган жойларда, пойдевори заиф жойларда) дамба қирғоқларини тўлдириш дамбаларни қуриш учун қурилишни ташкил этиш ва ишларни бажариш лойиҳасига мувофиқ амалга оширилиши керак.

80. Дамбалар захира тупроқлардан, карьерлардан қурилиши керак, уларнинг жойлашуви геологик тадқиқотлар асосида қурилишни ташкил этиш лойиҳасида белгиланади ва уни сув тошқини манбаи томонига қўйиш тавсия этилади.

81. Дамбаларни қуриш учун тупроқларнинг физик-механик хусусиятлари лойиҳа талабларига жавоб бериши керак.

82. Ишлаб чиқиш схемаси, тупроқ қазиш ускуналари турлари ва захира тупроқларни ташиш қурилишни ташкил этиш ва ишларни бажариш лойиҳасига мувофиқ қабул қилиниши керак.

Қуруқ қазиш механизмлари ёрдамида дамба кўтармаларини қуришда сув шимдирилган тупроқларни тўкишга йўл қўйилмайди. Захираларда нам тупроқларга ишлов бериш эса қуритиш тадбирларини ташкил этиш орқали экскаваторлар ёрдамида амалга оширилиши керак.

83. Гидромеханизациядан фойдаланган ҳолда дамбаларни ювиш “Ер иншоотлари. Замин ва пойдеворлар” қурилиш регламенти талабларига мувофиқ ишлаб чиқилиши лозим.

Дамбаларни пульпанинг эркин ёйилиши (эркин қиялик) билан ётқизишда эркин қияликнинг тиклиги “Тупроқ материалларидан бўлган тўғонлар” қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ олиниши керак.

84. Дамба ён-бағирларини 1:6 ва тикроқ қияликларда экиш орқали маҳкамлашда ўтларни экиш гидросеялкалар ва сепувчилар билан, 1:6 қияликларда эса қишлоқ хўжалиги сеялкалари билан амалга оширилиши керак.

Экиш ишлари “Ҳудудларни ободонлаштириш ишлари” қурилиш регламентига мувофиқ амалга оширилиши керак.

85. Қуруқ об-ҳаво шароитида, ўтни экишдан сўнг дарҳол суғориш тупроққа сувнинг сингиши тезлигидан ошмайдиган 1 интенсивликда такрорланиши керак.

86. Бажарилган ишларнинг оператив сифатини назорат қилишда қуйидагилар лойиҳа ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини текширилиши лозим:

- дамба ва қўриқхоналар учун ўтиш ҳуқуқини тозалаш;
- дамба ўқининг ҳолати;
- унумдор тупроқ қатламини кесиш, уни сақлаш ва ишлатиш;
- дамба асосини тайёрлаш;
- дамба ва қўриқхоналар пойдеворидаги тупроқ турлари;
- дамба танасига жойлаштирилган қуруқ тупроқнинг зичлиги;
- ён-бағирлари ва дамба тепаларини режалаштириш;
- дамбани маҳкамлашга тайёргарлик;
- дамбани маҳкамлаш.

87. Дамба параметрларидаги оғишлар 9-жадвалда келтирилган қийматлардан ошмаслиги керак.

9-жадвал

Номланиши	**Йўл қўйилган четланиш миқдори**
Кўтарма ўқ чизиғининг жойланиши	±20
Пушта ва қирғоқ чети бўйлаб ўқ чизиғи белгилари:	
Чўктириладиган кўтармалар ва қаттиқ мустаҳкамлаш билан кўтармалар	±5 cm
Чўктирилмайдиган кўтармалар ва қаттиқ мустаҳкамлашсиз	-5cm +10 cm
Пушта бўйлаб кенглик	±5 %
Қияликлар тиккалиги:	Йўл қўйилмайди
кўтарилиши	15 %
камайиши	±10 cm
Қиялик сиртининг ҳар хиллиги	

88. Дамбаларнинг, баландлик белгиларининг ва кўндаланг профилларнинг ўқи тўғри жойлашишини текшириш тўғри участкаларда ҳар 100 m ва 50 m дан кейин эгри участкаларда, қоида тариқасида, геодезия ёрдамида ишчи схема белгилари қўйиладиган жойларда, асбоблар кесма бўйлаб учдан бешгача нуқтада амалга оширилиши керак.

8-боб. Сув тежовчи технологиялар

1-§. Томчилатиб суғориш

89. Томчилатиб суғориш тизимлари қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- сув манбаи (тиндиргич, ҳовуз);
- насос қурилмаси;
- сувни фильтрлаш ускунаси;
- ўғит бочкаси;
- магистрал қувурлар;
- тарқатувчи қувурлар;

EZR3847

- бутловчи ва уловчи қисмлар;
- сувни очиш ва ёпиш мосламалари;
- томизғичли шланглар;
- сув ҳисоблагич ускуналари
- томизғичли шлангларни тарқатувчи ва йиғувчи мослама.

90. Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилишда суғоришни масофадан амалга ошириш учун тупроқ намлигини назорат қилувчи датчиклар ва тизимни автоматик равишда бошқарувчи қурилмаларни ўрнатиш тавсия этилади.

91. Томчилатиб суғориш тизимларини қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа ҳужжатларида белгиланган параметрлар асосида амалга оширилади.

92. Томчилатиб суғориш тизими учун қуриладиган сув тиндиргич ҳовуз тупроқ ўзанли, темир-бетон қопламали, геомембрана ёки плёнка қопламали бўлиши мумкин.

93. Сувни тиндиргич ҳовузни қуришда асосан 2 та талаб қўйилади:

биринчи – томчилатиб суғориш тизимининг техник талаби даражасида сувни тиндириш;

иккинчи – маълум бир сув захирасини йиғиш ва битта суғориш контурини бир марта сув билан таъминлаш.

94. Сувдаги сузиб юрувчи заррачаларнинг чўкиши анча мураккаб жараён бўлиб, заррачаларнинг чўкиш тезлиги уларнинг ўлчами, шакли ҳамда сувнинг ҳаракат тартиби, ҳарорати ва бошқа гидравлик омилларга боғлиқ бўлади.

95. Сув тиндиргич ўлчамларини аниқлашга таъсир этадиган асосий омил – заррачаларнинг чўкиш тезлигидир. Сузиб юрувчи заррачаларнинг чўкиш тезлиги қуйидаги жадвалда келтирилган.

10-жадвал

№	Заррачалар номи	Гидравлик йириклиги	1 m чуқурликка чўкиш вақти
1.	йирик заррачали қум	100	10 s
2.	ўрта заррачали қум	53	19 s
3.	майин қум	6,9	2,4 min
4.	лой	1,7	9,8 min
5.	майда лой	0,07	3,9 h

96. Амударё ва Зарафшон дарёлари орқали сув билан таъминланувчи майдонларда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун қуриладиган сув тиндиргич ҳовузларни икки камерали, бунда биринчи камера тупроқ ўзанли ва иккинчи камера қопламали (темир-бетон, геомембрана ёки плёнка) қилиб қуриш, Сирдарё дарёси ва ерости суғориш қудуқлари орқали сув билан таъминланадиган майдонлар учун бир камерали ҳамда қопламали (темир-бетон, геомембрана ёки плёнка) қилиб қуриш тавсия этилади.

97. Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилишда фильтр ва насос қурилмаларини сув тиндиргич ҳовузга сув тушуриш режалаштирилган томонга қарама-қарши (ҳовузга тушган сув насоснинг сўрувчи нуқтасига келгунча тиниши учун) ўрнатиш тавсия этилади.

98. Дастлаб, фильтр, насос ва ўғит бериш қурилмаларини ўрнатиш режалаштирилган жой белгилаб олинади, текисланади ва темир-бетон ётқизилади ёки махсус контейнер ўрнатилади.

99. Шундан сўнг, томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун олиб келинган насос агрегати, фильтрлаш қурилмалари ва ўғит бериш қурилмалларини монтаж қилиш амалга оширилади. Насос агрегатини монтаж қилишда унинг сўрувчи қувурини сув тиндиргич ҳовузнинг тубидан 50-60 cm баландликда жойлаштириш тавсия этилади.

100. Фильтрлаш қурилмаларини монтаж қилишда дастлаб гидроциклон кейин қумли, дискли фильтрлар ўрнатилади. Бунда, насос орқали келган босимли сув биринчи гидроциклонда қум ва йирик чўкиндилардан тозаланади, сўнг қумли фильтрлар орқали ўртача заррачалардан ва дискли фильтрлар орқали майда заррачалардан тозаланиб, экин майдонига юборилади. Бу эса ўз навбатида томизғичли шлангларда ҳар хил заррачалар тиқилиб қолишини олдини олади.

101. Фильтр ва насос қурилмаларини маълум миқдорда вибрация билан ишлашини инобатга олиб, улар ўрнатилгандан сўнг махсус қозиқлар ва резиналар ёрдамида темир бетонга маҳкамлаш тавсия этилади.

102. Ўғит бочкаси фильтр қурилмаларининг сув чиқиш томонига ўрнатилади ҳамда махсус кирувчи ва чиқувчи шланглар орқали фильтр қурилмасининг трубаларига сув очиб-ёпувчи вентиллар билан уланади.

103. Магистрал қувурлар лойиҳадан келиб чиқиб, ер остидан ёки ер устидан монтаж қилиниши мумкин, ер остидан монтаж қилиш ушбу қувурларнинг фойдаланиш самарадорлигини оширади.

104. Ер остидан монтаж қилиш учун дастлаб траншеялар қазиб чиқилиб, қувурлар ётқизилади ва махсус эритиш мосламалари орқали елимланади. Бунда, ҳар бир суғориш контурларининг бош нуқтасига махсус гидрантлар чиқариб кетилади.

105. Ер устидан монтаж қилишда асосан 6 m лик ёки 12 m лик мандалли (махсус уловчи қисмли) трубалардан фойдаланилади. Бунда магистрал қувурлар дала чети билан монтаж қилинади ҳамда ҳар бир суғориш контурларининг бош нуқтасига махсус сув очиб-ёпгич (вентиль)лар қўйилади.

106. Магистрал қувурлар монтаж қилиб бўлгандан сўнг, дала майдонида экилган экинларда техника ёрдамида амалга ошириладиган барча агротехник тадбирлар бажарилади.

107. Барча агротехник тадбирлар бажарилиб бўлинганидан сўнг, томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳага асосан махсус сув очиб ёпгич (гидрант ёки вентиль)лар ўрнатилган нуқталардан тарқатувчи қувурлар монтаж қилинади.

108. Тарқатувчи қувурлар ишлаб чиқарилишига қараб юмшоқ (эгилувчан) ва ўртача юмшоқ бўлиши мумкин.

Тарқатувчи қувурларнинг асосий вазифаси магистрал қувурлар орқали келган сувларни суғориш контуридаги томизғичли шлангларга тақсимлаб беришдан иборат.

109. Томизғичли шланглар махсус агрегат орқали техника ёрдамида экин майдонига лойиҳада кўрсатилганлиги бўйича тарқатиб чиқилади ҳамда уловчи деталлар орқали тарқатувчи қувурларга уланади.

EZR3847

Дала майдонида тупроқ таркиби ва ҳудуднинг иқлим шароити ҳамда экин туридан келиб чиқиб томизғичли шлангларни ҳар бир қаторга ёки қатор оралатиб (мевали боғларда 2-қатор ва узумзорларда 1 қатор) қўйиш тавсия этилади.

110. Томизғичли шлангларни бир ойда 2 марта ювиб туриш тавсия қилинади. Бунинг учун шлангларнинг охиридаги тиқинлар навбати билан 3-4 s га очиб қўйилади. Тизимнинг шлангларида қотган тузларни эритиш ва ёпишган сув ўтларини чиқариб юбориш учун мавсум давомида қувур ва шлангларга 1-2 марта азот кислотасининг 0,5 % ли эритмасини юбориш, ундан 15-20 h ўтгандан кейин ҳар бир сектор тоза сув билан ювиб ташланиши тавсия этилади.

111. Мавсум охирида эса тизимга азот кислотасининг 2-3 % ли эритмаси билан ишлов бериш тавсия қилинади. Мавсум охирида томизгичли шланглар тарқатувчи қувурлардан ажратилади ва уларнинг ўрни махсус деталлар билан ёпиб қуйилади. Бу тизим қувурларини ифлосланишдан сақлайди. Томизғичли шланглар даладан йиғиб олиниб, омборларга қўйилиши олдидан шлангларга хлорид кислотасининг 1-3 % ли эритмаси билан ишлов бериш тавсия қилинади.

112. Қишки мавсумда тизимнинг барча сув чиқариш нуқталари тозаланиб, уларни очиқ ҳолда қолдириш тавсия қилинади.

Навбатдаги суғориш мавсуми олдидан (баҳорда) эса уларни яна бир бор ювиб ташлаш тавсия қилинади.

2-§. Ёмғирлатиб суғориш

113. Ёмғирлатиб суғориш технологияси асосан баргидан озуқаланадиган экин турларига жорий қилиш тавсия қилинади.

114. Ёмғирлатиб суғориш технологиясининг асосан 3 хил тури қўлланилади:

- кенг қамровли тизими;
- «спринклер» тизими;
- мобиль тизими.

115. Ёмғирлатиб суғориш тизимини жорий қилиш ҳудуднинг иқлим шароити ва тупроқнинг механик таркибидан келиб чиқиб лойиҳа асосида амалга оширилади.

116. Ёмғирлатиб суғориш тизими сув етказиб берувчи ва ёмғирлатувчи махсус инженерлик қурилмалари ёрдамида амалга оширилади, сунъий ҳосил қилинаётган ёмғирнинг жадаллиги (интенсивлиги) суғорилаётган дала тупроғининг нам шимиш қобилиятига яқин (камроқ) ёки унга тенг бўлиши бўлиши лозим.

117. Ёмғирлатиб суғоришда далада кўлмак ва сув оқимлари ҳосил бўлишига йўл қўйилмайди, ёмғир томчиларининг ўлчамлари 1-2 mm гача катталикда бўлиши лозим.

118. Ёмғирлатиб суғориш тизими жорий қилинадиган майдон ўлчамлари 15 ha гача бўлганда спринклер тизимини, 15 ha дан 40 ha гача бўлганда мобиль тизимини ва 40 ha дан катта майдонлар учун пивот суғориш тизимини жорий қилиш тавсия этилади.

119. Ёмғирлатиб суғориш тизимини жорий қилишда қуйидагиларни инобатга олиш талаб этилади:

- ҳудуднинг иқлим шароити;
- тупроқни механик таркиби ва сувнинг шимилиш тезлиги;
- сув билан таъминланиши ҳамда сувдаги чўкиндилар миқдори;

- экин майдонининг ўлчамлари ва нишаблиги;

- экиладиган экин тури.

120. Ёмғирлатиб суғориш тизимларининг таркибий қисмларига сув тиндиргич ҳовуз, насос агрегати ва унинг бошқарув панели, хар хил турдаги (қумли, дискли, сеткали, гидроциклонли ва ҳакозо) сув тозаловчи фильтрлар, сув етказиб берувчи, сув тақсимловчи ва суғорувчи қисмлар киради.

121. Ёмғирлатиб суғориш тизимини жорий қилишда насос ёрдамида тизимга етказиб берилаётган сув тизимнинг барча ёмғирлатгичларидан бир хилда сепилаётганда тизим тўғри ишлаётган ҳисобланади.

122. Дала майдонида етиштирилаётган экинни нормал ривожланиши учун зарур бўладиган намликни ҳосил қилиш суғоришни ўтказишнинг асосий мезони сифатида қабул қилиниши лозим.

123. Ёмғирлатиб суғоришда бериладиган сувнинг миқдори бошқа суғориш усулларидаги каби дала тупроғининг суғоришдан олдинги намлигини аниқлаш асосида белгиланади.

124. Насос агрегати, бошқарув панели, ўғитлаш бочкаси, ҳар хил турдаги марказий ва тарқатувчи қувурлар, сув очиш ва ёпиш гидрантлари тизимнинг асосий қурилмалари ҳисобланади.

3-§. Дискрет суғориш

125. Дискрет суғориш тизимини жорий қилишда ҳар хил турдаги марказий қувурлар ер ости ва устидан монтаж қилиниб, ҳар бир суғориш контурига сув очиш ва ёпиш гидрантлари ўрнатилади, ўқариқлар ўрнига юмшоқ эгилувчан қувурлардан фойдаланилади.

126. Автоматик бошқарув қурилмаси, назорат ўлчов асбоблари ва метеостанция ўрнатилиши тизимнинг асосий афзаллиги ҳисобланади.

127. Ўқариқлар ўрнига фойдаланиладиган қувурларнинг сув чиқиш нуқталари диаметри оқимга тескари катталикда (сув кириш томондаги нуқталар диаметри кичкина, оқимнинг қуйи қисмида эса катта) бўлиши лозим.

128. Насос агрегатининг қуввати бир вақтда суғориладиган ва умумий суғориладиган майдоннинг ҳажмига, шунингдек сув чиқариш тешикларининг диаметрига, ернинг нишаблигига боғлиқ ҳолда сув сарфи Q=300-500 m^3/h, H=30-40 m дан кичик бўлмаслиги талаб этилади.

129. Дискрет суғориш тизимида марказий қувурлар ер остидан монтаж қилинади ҳамда ҳар бир суғориш контурига алоҳида гидрантлар чиқариб қуйилади, қувурларнинг диаметри суғориладиган майдон ҳажмидан келиб чиқиб, лойиҳада кўрсатилади.

130. Дискрет суғориш тизими жорий қилинган майдонларда ерларни лазерли текислаш тадбирларини амалга ошириш талаб этилади.

